



Аллоҳ таоло айтади: «Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга салавот айтадилар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга саловот ва саломлар айтинглар!» (Аҳзоб: 56).

Аллоҳ таолонинг бандасига салавоти - Ўз даргоҳидаги муқарраб фаришталар олдида уни мақтov билан зикр қилишидир.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхұмодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким менга бир марта салавот айтса, бунинг әвазига Аллоҳ унға ўн марта салавот айтади» (Имом Мұслим ривояти).

Абс ибн Абс розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жума куни кунларингизнинг энг афзалидандир. У куни Менга кўп салавотлар айтинглар! Чунки, сизларнинг салавотларингиз менга етказилади», дедилар. Саҳобалар:



«Ё Расулуллоҳ, чириб кетган бўлсангиз Сизга бизнинг салавотларимиз қандай етказилади?», дейишиди. У зот: «Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг жасадларини ейишни ерга ҳаром қилди», дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қабримни сайилгоҳ қилиб олманглар, менга салавот айтинглар, қаерда бўлсаларингиз ҳам салавотларингиз менга етиб боради» (Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қай бир киши менга салом айтар әкан, унинг саломига жавоб қайташым учун Аллоҳ менга рұхимни қайтаради» (Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ



Ислом Нури

соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ҳузурида зикр қилинганимда менга салавот айтмаган одам хор бўлсин» (Ином Термизий ривояти).

Шарҳ:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммат устида кўп ҳақлари бор бўлиб, у зотни яхши кўриш шулар жумласидандир. Ҳамма вақт у зотга салавоту салом айтиш муҳабbat кўринишларидан биридир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мўминларни бунга буюрди ва эвазига улкан ажрлар ваъда қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг номлари зикр қилинганда салавот айтмаган кишига хорлик бўлишини тилаб дуо қилганлар. Расулulloҳга **«соллаллоҳу алайҳи ва саллам» ёки «алайҳис-солату ва вас-сала-а-му»** деб салавот ва салом айтамиз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳар доим салавот ва салом айтиш мустаҳаб;
2. Айниқса, жума кунлари салавотни кўп айтиш суннат;
3. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтган кишига улкан ажрлар берилади.
4. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтмаган кишини у зотнинг баддуолари уриши мумкин.